



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 12 » январь

№ ПК–81

### **Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, бир қатор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ISO 37001:2016 халқаро стандартига асосан коррупцияга қарши менежмент тизими жорий этилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари мавжуд эмаслиги соҳада амалга оширилаётган тадбирларга ягона мезон асосида холисона баҳо бериш ва уларнинг натижадорлигини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига оид самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ва уларни илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида:

**1.** Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура ва Адлия вазирлигининг давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган **Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги** таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда – рейтинг баҳолаш) қуйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:

давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

**2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

**2022 йил 1 февралдан бошлаб** рейтинг баҳолаш тизими, эксперимент тариқасида, 1-иловада кўрсатилган ва ўз фаолиятида коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этаётган давлат ташкилотлари фаолиятига;

**2022 йил 1 июлдан бошлаб** эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда рейтинг баҳолаш тизими барча давлат ташкилотлари фаолиятига жорий этилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш (Т. Нарбаева) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда эксперимент натижаларини чуқур таҳлил қилиш ва муҳокама қилиш ҳамда рейтинг баҳолаш тизимининг самарали ва тўлиқ жорий этилишини таъминлаш бўйича чораларни кўрсин.

**3. Белгилансинки:**

рейтинг баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан **“E-Anticor.uz” электрон платформаси** (кейинги ўринларда – электрон платформа) орқали ташкил этилади;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги **“яхши”, “қониқарли”** ва **“қониқарсиз”** тоифаларга ажратилади;

рейтинг баҳолаш натижалари электрон платформада **ҳисоблаб чиқилади** ва ҳар йили 1 мартга қадар кенг жамоатчилик учун **оммавий ахборот воситаларида** эълон қилиб борилади;

ҳар йили **олдинги йилнинг 1 январидан баҳоланиш ўтказилаётган йилнинг 1 январига қадар** бўлган давр рейтинг баҳолаш тизими билан қамраб олинади;

рейтинг баҳолаш натижаларининг холислигини текшириш мақсадида камида 30 фоизи фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат бўлган **Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи** шакллантирилади.

**4. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш (Т. Нарбаева) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) билан биргаликда рейтинг баҳолаш якунларига кўра қуйидаги чораларни кўрсин:

**“яхши”** деб баҳоланган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

**“қониқарли”** деб баҳоланган давлат ташкилотларига уларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритиш ва уларни амалга оширишда кўмаклашиш;

**“қониқарсиз”** деб баҳоланган давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилишини таъминлаб, унинг ижроси юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини **ҳар чоракда** Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг йиғилишларида эшитиш.

**5. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда:**

**икки ой муддатда** электрон платформа орқали зарур ҳужжатларни онлайн режимида олиш ва рейтинг баҳолаш натижаларини ҳисоблаш имконини яратган ҳолда, унинг тўлиқ ишга туширилишини таъминласин;

**эксперимент якунига кўра** электрон платформани такомиллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда унинг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш чораларини кўриб борсин.

Белгилаб қўйилсинки, электрон платформани такомиллаштириш ва модернизация қилиш, уни техник ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили Агентликка Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

**6. Агентлик (А. Бурханов) халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда:**

**икки ой муддатда** Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланишини таъминласин;

**уч ой муддатда** рейтинг баҳолаш, электрон платформадан фойдаланиш тартиби бўйича қўлланмаларни тайёрласин, шунингдек, давлат ташкилотлари ходимлари учун рейтинг баҳолаш, шу жумладан электрон платформадан фойдаланиш тартибини тушунтириш бўйича **мунтазам равишда** семинарларни ташкил этиб борсин;

**2022 йил 1 июлга қадар** ҳар бир индикатор бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари ва аниқ мезонларини белгиловчи рейтинг баҳолаш услубиётини тасдиқласин;

**мунтазам равишда** давлат ташкилотларига коррупцияга қарши курашишга оид тегишли ички идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

**7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) мазкур қарор ҳамда рейтинг баҳолаш натижалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.**

**8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э. Бурханов белгилансин.**

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши раиси Т.К. Нарбаева ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш  
эксперимент тариқасида ўтказиладиган давлат органлари ва ташкилотлари,  
шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Давлат органлари ва ташкилотлари номи</b>
<b>I. Вазирликлар</b>	
1.	Адлия вазирлиги
2.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
3.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
4.	Мақтабгача таълим вазирлиги
5.	Молия вазирлиги
6.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
7.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8.	Транспорт вазирлиги
9.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
10.	Халқ таълими вазирлиги
11.	Қурилиш вазирлиги
<b>II. Давлат қўмиталари</b>	
12.	Давлат божхона қўмитаси
13.	Давлат солиқ қўмитаси
14.	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
15.	Давлат статистика қўмитаси
<b>III. Агентликлар</b>	
16.	Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги
17.	Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги
18.	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги
19.	Давлат активларини бошқариш агентлиги
20.	Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
21.	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
22.	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
<b>IV. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари</b>	
23.	Тошкент шаҳри ҳокимлиги
24.	Тошкент вилояти ҳокимлиги
25.	Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги
26.	Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокимлиги

**Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини  
рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари)да коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда – рейтинг баҳолаш) тартибини белгилайди.

2. Рейтинг баҳолаш давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб бораётган фаолияти самарадорлигини пухта таҳлил қилиш, баҳолаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади.

3. Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизими ва коррупциянинг олдини олиш бўйича бошқа халқаро стандартларнинг самарали жорий этилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ қилинганлиги рейтинг баҳолашнинг объекти ҳисобланади.

4. Рейтинг баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан ташкил этилади.

**2-боб. Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикаторлари**

5. Рейтинг баҳолаш алоҳида индикаторлардан ташкил топган қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

**биринчи йўналиш** – давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

**иккинчи йўналиш** – коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

**учинчи йўналиш** – давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

**тўртинчи йўналиш** – ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

**бешинчи йўналиш** – коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

6. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги **“яхши”**, **“қониқарли”** ва **“қониқарсиз”** тоифаларга ажратилади.

Бунда, индикаторларни бажариш орқали:

81 баллдан 100 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги – **“яхши”**;

55 баллдан 81 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги – **“қониқарли”**;

55 дан паст балл тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги – **“қониқарсиз”** деб топилади.

7. Рейтинг баҳолаш йўналишлари бўйича баллар қуйидагича тақсимланади:

**биринчи йўналиш** – максимал 35 балл;

**иккинчи йўналиш** – максимал 30 балл;

**учинчи йўналиш** – максимал 15 балл;

**тўртинчи йўналиш** – максимал 15 балл;

**бешинчи йўналиш** – максимал 5 балл.

8. Якуний баллар мазкур Низомга 1-иловада келтирилган Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларидаги балларни бир-бирига қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

### **3-боб. Рейтинг баҳолашни амалга ошириш тартиби**

9. Рейтинг баҳолаш мазкур Низомга 2-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

10. Агентлик ҳар йили 5 январга қадар “E-Anticor.uz” электрон платформаси (кейинги ўринларда – электрон платформа) орқали рейтинг баҳолашдан ўтказиладиган давлат ташкилотлари рўйхатини тузади ҳамда бу ҳақда уларни ёзма равишда хабардор қилади.

11. Давлат ташкилотлари томонидан ҳар чорақда (10 апрель, 10 июль ва 10 октябрга қадар) чорақлик маълумотлар, ҳар рейтинг баҳолаш йили якунида (10 январдан кечиктирмай) эса йиллик маълумотлар электрон платформа орқали Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари жадвалини тўлдириш йўли билан киритиб борилади.

Бунда, ушбу жадвал саволларга “тўлиқ бажарилган”, “асосан бажарилган”, “қисман бажарилган” ёки “бажарилмаган” устунларига тегишли белгини киритиш ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни бириктириш орқали тўлдирилади.

12. Агентлик мунтазам равишда давлат ташкилотлари томонидан электрон платформага киритилган маълумотларни таҳлил қилиб боради, коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилши мумкин бўлган давлат ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатади.

13. Давлат ташкилотлари ҳар йили Агентликнинг хатини олгандан сўнг, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ муддатларда электрон платформа орқали зарур маълумотларни киритади.

Бунда, тизимга давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотларни киритиш тақиқланади.

14. Йиллик маълумотлар киритилгандан сўнг Агентлик **ҳар йили:**

**1 февралга қадар** танлов асосида тегишли давлат ташкилоти томонидан киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий-ахборот коммуникация воситаларини (видеоконференцалоқа, онлайн сўровнома ва шу кабилар) қўллаган ҳолда масофавий ўрганади. Бунда:

маълумотларнинг ҳаққонийлиги замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиладиган давлат ташкилотлари сони фаолияти баҳоланаётган давлат ташкилотларининг камида 15 фоизини ташкил этиши лозим;

маълумотларнинг ҳаққонийлиги замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиладиган давлат ташкилотлари рўйхати Агентлик томонидан, киритган маълумотлари шубҳали, нотўғри бўлган давлат ташкилотлари орасидан, мустақил равишда шакллантирилади.



15. Маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиш жараёнида нотўғри ёки сохта маълумотлар киритилганлиги аниқланган тақдирда, Агентликнинг ўзи электрон тизимга киритилган маълумотларни мустақил равишда ўзгартиради ва бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашига маълумот беради.

16. Рейтинг баҳолаш натижалари электрон платформа орқали ҳисоблаб чиқилади. Автоматик равишда ҳисоблаб чиқилиши назарда тутилмаган индикаторлар бўйича баллар Агентлик томонидан ҳисобланади.

#### **4-боб. Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тартиби**

17. Рейтинг баҳолаш натижаларининг холислигини таъминлаш мақсадида ҳар йили 9 кишидан иборат бўлган Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи (кейинги ўринларда – Экспертлар гуруҳи) шакллантирилади.

Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан экспертларни танлаб олиш мезонлари, уларнинг мажбуриятлари ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларини назарда тутувчи тартиб Агентлик томонидан белгиланади.

18. Экспертлар гуруҳи таркиби Агентлик томонидан давлат ташкилотлари таклифларига асосан шакллантирилади.

Экспертлар гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, коррупцияга қарши курашиш бўйича экспертлар, шу жумладан амалий тажриба ва жамиятда юқори обрўга эга бўлган бошқа шахслар киритилади.

Бунда, Экспертлар гуруҳи таркибида камида 3 киши фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан бўлиши лозим.

19. Экспертлар гуруҳи Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади.

Бунда, Агентлик томонидан ушбу гуруҳга дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари ва тегишли хулосалар тақдим этилади. Экспертлар гуруҳи сўровига кўра, бошқа қўшимча материаллар тақдим этилиши, электрон платформага уланиш имконияти яратилиши мумкин.

20. Экспертлар гуруҳи ҳар йили 15 февралга қадар дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш бўйича қуйидагилардан бирини Агентликка тақдим этади:

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хулоса;

муқобил рейтинг баҳолаш натижалари.

Бунда, хулоса ва муқобил рейтинг баҳолаш натижаси Экспертлар гуруҳида овоз бериш натижаларига кўра шакллантириладиган фикр сифатида тақдим этилади. Овозлар тенг бўлиб қолганда гуруҳ раҳбарининг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

21. Экспертлар гуруҳида қабул қилинган қарорга қўшилмаган гуруҳ аъзоси ўз фикрини алоҳида билдириш ҳуқуқига эга.

22. Агентлик Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган хулоса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини ҳар йили 20 февралга қадар пухта таҳлил қилади, унга кўра якуний баҳолаш натижаларини шакллантиради ва баҳоланаётган давлат ташкилотларига тақдим қилади.

23. Давлат ташкилотлари ҳар йили 25 февралга қадар Агентлик томонидан юборилган якуний рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ҳамда зарурат бўлганда ўз таклиф ва эътирозларини Агентликка тақдим қилади.

24. Агентлик давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилган таклиф ва эътирозларни пухта таҳлил қилади ва ҳар йили **1 мартга қадар** рейтинг баҳолашни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

25. Агентлик рейтинг баҳолаш якунларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги **“яхши”, “қониқарли”** ва **“қониқарсиз”** бўлган давлат ташкилотлари рўйхатини ҳар йили **1 март куни** Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга киритади ҳамда ўз расмий-веб сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

### **5-боб. Рейтинг баҳолаш якунлари бўйича амалга ошириладиган тадбирлар**

26. Агентлик томонидан рейтинг баҳолаш якунлари бўйича коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги **“яхши”** деб топилган давлат ташкилотларининг ижобий иш тажрибасини бошқа давлат ташкилотларида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Агентлик томонидан **“яхши”** деб баҳоланган давлат ташкилотларига уларнинг коррупцияга қарши курашишга масъул таркибий бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиб борилади.

27. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги **“қониқарли”** деб топилган давлат ташкилотларига самарадорликни янада ошириш бўйича Агентлик томонидан ҳар йили **15 мартга қадар** тавсиялар киритилади.

Давлат ташкилотлари киритилган тавсияларнинг бажарилиш ҳолати тўғрисидаги ахборотни Агентлик белгиланган муддатларда электрон платформага киритиб бориши лозим.

28. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги **“қониқарсиз”** деб топилган давлат ташкилотлари ҳар йили 20 мартга қадар коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиши ва уни Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлаши лозим.

29. Кетма-кет икки йил давомида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги **“қониқарсиз”** деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарларига белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоида**

30. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

31. Агентлик, зарурат бўлганда, рейтинг баҳолашнинг қўшимча йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларини киритиши мумкин.

**Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини  
РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИНДИКАТОР КЎРСАТКИЧЛАРИ**

<b>Биринчи йўналиш</b>						
<b>Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги</b>						
<b>(жами – 35 балл)</b>						
<b>Индикаторлар</b>		<b>Баллар</b>			<b>Асос*</b>	
<b>1.1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганлиги ва ўз вақтида янгилаб борилиши</b>						
1.1.1. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари)да коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги ички идоравий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва заруратга қараб янгиланиб борилиши: – коррупцияга қарши курашиш сиёсати; – одоб-ахлоқ қоидалари; – коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти; – манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом; – алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;		<b>ТБ</b> <b>3 балл</b>	<b>АБ</b> <b>2 балл</b>	<b>ҚБ</b> <b>1 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Тасдиқланган ҳужжатларнинг электрон шакли илова қилинади

<p>– ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;</p> <p>– контрагентларни текширишга оид йўриқнома;</p> <p>– ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;</p> <p>– коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;</p> <p>– коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти;</p> <p>– коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент;</p> <p>– давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур тўпламдаги ҳамма ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, ТБ, 7–11 таси қабул қилинган бўлса, АБ, 3–7 таси қабул қилинган бўлса, ҚБ, 0–3 таси қабул қилинган бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>					
<p><b>1.2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий механизмларнинг жорий этилганлиги</b></p>					
<p><b>1.2.1. Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари</b></p>					
<p>1.2.1.1. Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган <b>алоқа каналлари:</b> камида 4 та алоқа канали (масалан, расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифа, ишонч телефони, электрон манзил)нинг ташкил этилганлиги.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>1 балл</b></p>		<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>		<p>Алоқа каналлари ҳаволаси илова қилинади</p>

<p><b>Изоҳ:</b> Алоқа каналлари тўлиқ мавжуд бўлса ТБ, аксинча бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>					
<p>1.2.1.2. Расмий веб-сайтда ва бошқа ОАВларда коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ҳақидаги маълумотларнинг, шунингдек, коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатларнинг жойлаштирилганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Тўлиқ маълумот ва ҳужжатлар мавжуд бўлса, ТБ, аксинча бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>1 балл</b></p>		<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>		<p>Веб-сайт ва бошқа ОАВлардаги маълумотлар ҳаволаси илова қилинади</p>
<p>1.2.1.3. Расмий веб-сайтда коррупция фактларига доир муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги йиллик ҳисоботнинг мавжудлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мавжуд бўлса, ТБ, мавжуд бўлмаса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>1 балл</b></p>		<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>		<p>Веб-сайтдаги маълумотлар ҳаволаси илова қилинади</p>
<p><b>1.2.2. Кадрларга оид масалаларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг жорий этилиши</b></p>					
<p>1.2.2.1. Вакант ўринларга кадрларни танлов асосида қабул қилиш тизимининг мавжудлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Ҳисобот даврида 80–100 фоиз ходимлар очиқ танлов асосида ишга қабул қилинган бўлса, ТБ, 60–79 фоизи танлов асосида қабул қилинган бўлса, АБ, 30–59 фоизи танлов асосида қабул қилинган бўлса, ҚБ, 0–29 фоизи танлов асосида қабул қилинган бўлса Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>3 балл</b></p>	<p><b>АБ</b> <b>2 балл</b></p>	<p><b>ҚБ</b> <b>1 балл</b></p>	<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>	<p>Ўтказилган танлов материаллари (суҳбат ёки тест баённомалари, видео материал) илова қилинади</p>

<p>1.2.2.2. Расмий веб-сайтда ишга қабул қилиш, ротация тўғрисидаги эълонлар ва ахборотларнинг мавжудлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> мавжуд бўлса, ТБ, мавжуд бўлмаса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>1 балл</b></p>		<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>		<p>Веб-сайтдаги маълумотлар ҳаволаси илова қилинади</p>
<p>1.2.2.3. Меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартларнинг киритилганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мавжуд бўлса, ТБ, мавжуд бўлмаса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>1 балл</b></p>		<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>		<p>Коррупцияга қарши шартлар билан меҳнат шартномасида танишганлигини имзоси билан тасдиқлаган ходимлар рўйхати илова қилинади</p>
<p>1.2.2.4. Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш механизми, хабар берган ходимларни рағбатлантириш, уларнинг таъқибга олинмаслиги кафолатининг мавжудлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Тегишли механизм мавжуд бўлса, ТБ, мавжуд бўлмаса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>1 балл</b></p>		<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>		<p>Мазкур масалаларни тартибга солувчи ички регламент, ходимлар рўйхати ва статистик маълумотлар илова қилинади</p>
<p><b>1.2.3. Давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш</b></p>					
<p>1.2.3.1. Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириш.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашуви</p>	<p><b>ТБ</b> <b>3 балл</b></p>	<p><b>АБ</b> <b>2 балл</b></p>	<p><b>ҚБ</b> <b>1 балл</b></p>	<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>	<p>Ишга қабул қилишда, лавозими ўзгараётганда, ротация қилинаётганда ва</p>

<i>тўғрисидаги декларацияни тўлдирган ходимлар 100 фоиз бўлса, ТБ, 70–99 фоиз бўлса, АБ, 30–69 фоиз бўлса, ҚБ, 0–29 бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</i>					йиллик декларацияни тўлдирган ходимларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган рўйхати илова қилинади
1.2.3.2. Ишга қабул қилинувчи номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.  <b>Изоҳ:</b> <i>Ҳисобот даврида 100 фоиз номзодлар текширилган бўлса, ТБ, 70–99 фоизи текширилган бўлса АБ, 30–69 фоизи текширилган бўлса, ҚБ, 0–29 фоизи текширилган бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</i>	<b>ТБ</b> <b>3 балл</b>	<b>АБ</b> <b>2 балл</b>	<b>ҚБ</b> <b>1 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Ишга қабул қилинувчи номзодларга нисбатан ўтказилган текширувлар тўғрисида хулосалар сони кўрсатилади
1.2.3.3. Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва уни тартибга солиш бўйича қабул қилинган чоралар.  <b>Изоҳ:</b> <i>Ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашуви аниқланмаган ёки аниқланган ҳолатларга чоралар кўрилган бўлса, ТБ, манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатларга чоралар кўрилмаган бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</i>	<b>ТБ</b> <b>2 балл</b>			<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестри илова қилинади
1.2.3.4. Контрагентлар устидан ўтказилган текширувлар сони  <b>Изоҳ:</b> <i>Ҳисобот даврида 100 фоиз контрагентлар текширилган бўлса, ТБ, 70–99 фоизи текширилган бўлса, АБ, 30–69 фоизи текширилган бўлса, ҚБ, 0–29</i>	<b>ТБ</b> <b>3 балл</b>	<b>АБ</b> <b>2 балл</b>	<b>ҚБ</b> <b>1 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Контрагентларни текшириш реестри, ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлар сони,



<p>фоизи текширилган бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>					<p>текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хулосалар нусхаси илова қилинади</p>
<p><b>1.2.4. Давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу ташкилот томонидан кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш</b></p>					
<p>1.2.4.1. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларнинг мавжудлиги ва сифатли тўлдирилганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур индикатор бўйича баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ҳисоботларнинг мавжудлиги ва сифатли тўлдирилганлигидан келиб чиқиб, 0–3 балл оралиғида белгиланади.</p>	<p><b>0-3 балл</b></p>			<p>Коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида умумий ҳисобот ҳамда коррупцияга қарши давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида ҳисобот илова қилинади</p>	
<p>1.2.4.2. Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича режадаги тадбирларнинг бажарилганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур индикатор бўйича баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан режадаги тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида</p>	<p><b>0-3 балл</b></p>			<p>Режа (ташкilotнинг барча жараёнларини, мониторинг ва назорат қилинадиган даври ва текширув муддатларини ўз ичига олган) ва унинг</p>	

<p><i>бажарилганлигидан келиб чиқиб, 0–3 балл оралиғида белгиланади.</i></p>					<p>ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади</p>
<p>1.2.4.3. Ҳисобот даврида алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупцияга оид хабарлар бўйича ва мониторинг натижаларига кўра коррупциявий ҳаракат деб ҳисобланган ҳолатлар юзасидан хизмат текширувлари ўтказилганлиги.</p> <p>Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчиликнинг бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатларнинг (қонунчилик ҳужжатлари кесимида) аниқланганлиги.</p> <p>Давлат ташкилотларида тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари (ички ҳужжатлар кесимида), коррупциявий хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлик ҳолатларининг аниқланганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> 100 фоиз текширилган (ўрганилган) бўлса, ТБ, 70–99 фоиз текширилган (ўрганилган) бўлса, АБ, 30–69 фоиз текширилган (ўрганилган) бўлса, ҚБ, 0–29 фоиз ўрганилган бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>3 балл</b></p>	<p><b>АБ</b> <b>2 балл</b></p>	<p><b>ҚБ</b> <b>1 балл</b></p>	<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>	<p>Алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни рўйхатга олиш реестри, хизмат текширувлари реестри нусхаси илова қилинади. Айбдорлар аниқланган ҳолатлар сони банд бўйича бўлиб кўрсатилади</p>
<p>1.2.4.4. Коррупцияга оид қонунчилик ва ички идоравий талабларни бузган ходимларга қўлланилган жазолар.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур индикатор бўйича баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан, содир этилган</p>	<p><b>0-3 балл</b></p>				<p>Кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички</p>

<p>ҳаракат ва қўлланилган жазо табиатидан келиб чиқиб, 0–3 балл оралиғида белгиланади. Ҳисобот йилида ўтказилган текширишлар ва келиб тушган хабарлар таҳлили асосида қонунчилик ва ички идоравий талабларни бузган ходимлар аниқланмаган бўлса, 2 балл қўйилади.</p>					<p>идоравий талабларни бузган ходимлар сони ҳамда уларга қўлланилган чоралар кўрсатилган рўйхат</p>
<p><b>Иккинчи йўналиш</b></p>					
<p><b>Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги</b></p> <p style="text-align: right;"><b>(жами – 30 балл)</b></p>					
<p><b>Индикаторлар</b></p>	<p><b>Баллар</b></p>				
<p>2.1. Давлат ташкилотининг барча функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш бўйича баҳолаш ўтказилганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Баҳолаш қамрови 100 фоиз бўлса, ТБ, 70–99 фоиз бўлса, АБ, 30–69 бўлса, ҚБ, 0–29 фоиз бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<p><b>ТБ</b> <b>15 балл</b></p>	<p><b>АБ</b> <b>10 балл</b></p>	<p><b>ҚБ</b> <b>5 балл</b></p>	<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>	<p>Давлат ташкилотининг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати илова қилинади</p>
<p>2.2. Аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича кўрилган чоралар.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур индикатор бўйича баллар аниқланган хавф-хатар ва минималлаштириш учун кўрилган чоралар табиатидан келиб чиқиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 0-15 балл оралиғида белгиланади.</p>	<p><b>0–15 балл</b></p>				<p>Давлат ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг коррупцияга қарши кураш дастури (“Йўл харитаси”) ва унинг амалга</p>

			оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади
<b>Учинчи йўналиш</b>			
<b>Давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги</b>			
<b>(жами – 15 балл)</b>			
<p>3.1. Давлат ташкилоти раҳбарининг ходимлар ва жамоатчилик учун коррупцияга қарши курашишга оид мурожаатининг мавжудлиги, унинг ходимлар эътиборига етказилганлиги, ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда коррупцияга қарши курашиш ҳолатларининг кўриб чиқилганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мавжуд бўлса, ТБ, мавжуд бўлмаса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<b>ТБ 1 балл</b>	<b>Б 0 балл</b>	<p>Мурожаат эълон қилинган манба ҳаволаси, тегишли ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишлар баённомаси илова қилинади</p>
<p>3.2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмаси тузилганлиги, унинг зарур ресурслар, штат бирликлари ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур индикатор бўйича баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмалари орасида электрон платформада ўтказиладиган сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, 0–12 балл оралиғида белгиланади.</p>	<b>0–12 балл</b>		<p>Электрон платформада сўровнома тўлдирилади</p>

<p>3.3. Давлат ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан ОАВ ва тадбирларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чиқишлар.</p> <p><b>Изоҳ:</b> <i>Ҳисобот давридаги ҳар ярим йилда камида 1 марта мавжуд бўлса ТБ, мавжуд бўлмаса Б устунига “х” белгиси қўйилади.</i></p>	<p><b>ТБ</b> <b>2 балл</b></p>	<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>	<p>Маълумотлар ва материаллар ҳаволаси илова қилинади</p>		
<p><b>Тўртинчи йўналиш</b></p>					
<p><b>Ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги</b></p> <p style="text-align: right;"><b>(жами – 15 балл)</b></p>					
<p><b>4.1. Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги</b></p>					
<p>4.1.1. Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар билан танишганлик ҳолати ҳамда коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши.</p> <p><b>Изоҳ:</b> <i>Барча ходимлар таништирилган бўлса, ТБ, 70–99 фоизи таништирилган бўлса, АБ, 30–69 фоизи таништирилган бўлса, ҚБ, 0–29 фоизи таништирилган бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</i></p>	<p><b>ТБ</b> <b>5 балл</b></p>	<p><b>АБ</b> <b>2 балл</b></p>	<p><b>ҚБ</b> <b>1 балл</b></p>	<p><b>Б</b> <b>0 балл</b></p>	<p>Коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатлар билан танишганлигини имзоси билан тасдиқлаган ходимлар рўйхати, ходимларнинг коррупцияга қарши асосий талаблар ва тартиб-таомиллардан хабардорлиги юзасидан якуний мониторинг</p>

					натижалари ҳамда ушбу талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат якунлари илова қилинади**
<b>4.2. Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилганлиги</b>					
<p>4.2.1. Ҳисобот йилида ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмалари оширилганлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мазкур индикаторда олдинги ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар сони таққосланади. Бунда, билим ва кўникмалари оширилган ходимларнинг сонидан ижобий фарқ бўлса ёки ўзгариш бўлмаса, ТБ, агар камайиш бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<b>ТБ</b> <b>1 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Давлат ташкилоти тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ва махсус ўқитишга доир маълумотлари (тасдиқланган рўйхат) ва таҳлил натижалари илова қилинади		
<p>4.2.2. Давлат ташкилоти ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжудлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мавжуд бўлса, ТБ, мавжуд бўлмаса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<b>ТБ</b> <b>1 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимда ишловчи ва бошқа ходимларни, шу жумладан, ишга янги қабул қилинган ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича		

					тайёрлаш, қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари, қўлланмалар илова қилинади
<p>4.2.3. Ишга янги қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш тизимининг мавжудлиги.</p> <p><b>Изоҳ:</b> Мавжуд бўлса, ТБ, мавжуд бўлмаса, Б устунига “х” белгиси қўйилади</p>	<b>ТБ</b> <b>3 балл</b>		<b>Б</b> <b>0 балл</b>		Ишга янги қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмалари оширилганлиги бўйича кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган маълумотлар илова қилинади
<p>4.2.4. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглари ўтказиш:</p> <p>барча ходимлар учун; коррупциявий хавф юқори даражада бўлган функцияларни бажарувчи бўлинмалар учун.</p> <p><b>Изоҳ:</b> ходимларнинг 70–100 фоизи ўқитилган бўлса, ТБ, 50–69 фоизи ўқитилган бўлса, АБ, 30–49 фоизи ўқитилган бўлса, ҚБ, 0-29 фоизи ўқитилган бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>	<b>ТБ</b> <b>5 балл</b>	<b>АБ</b> <b>3 балл</b>	<b>ҚБ</b> <b>2 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган ўқитиш турлари, шакллари, ўқитилган ходимлар сони ҳамда уларнинг лавозими ва бўлинмалари рўйхати жадвал шаклида илова қилинади

<b>Бешинчи йўналиш</b>			
<b>Коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги</b>			
<b>(жами – 5 балл)</b>			
<p>5.1. Коррупцияга қарши курашиш мавзусида ташкил этилган тадбирлар сони.</p> <p><b>Изоҳ:</b> <i>Мазкур индикаторда олдинги ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар сони таққосланади. Бунда, ўтказилган тадбирлар сонидан ижобий фарқ бўлса ёки ўзгариш бўлмаса, ТБ, тадбирлар сонидан камайиш бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</i></p>	<b>ТБ</b> <b>1 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Статистик маълумотлар илова қилинади
<p>5.2. Коррупцияга қарши курашиш мавзусида ташкил этилган тадбирларнинг қамров даражаси.</p> <p><b>Изоҳ:</b> <i>Мазкур индикаторда олдинги ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар сони таққосланади. Бунда, ўтказилган тадбирларнинг қамров даражасида ижобий фарқ бўлса ёки ўзгариш бўлмаса, ТБ, қамров даражасида камайиш бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</i></p>	<b>ТБ</b> <b>2 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Статистик маълумотлар (иштирокчилар сони, ҳудудий қамров) илова қилинади
<p>5.3. Коррупцияга қарши курашишга оид тарқатилган кўргазмали материаллар, қўлланмалар, ижтимоий аудио ва видеороликлар сони.</p>	<b>ТБ</b> <b>2 балл</b>	<b>Б</b> <b>0 балл</b>	Статистик маълумотлар илова қилинади



<p><b>Изоҳ:</b> Мазкур индикаторда олдинги ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар сони таққосланади. Бунда, тарқатилган материаллар сонида ижобий фарқ бўлса ёки ўзгариш бўлмаса ТБ, тарқатилган материаллар сонида камайиш бўлса, Б устунига “х” белгиси қўйилади.</p>			
--	--	--	--

**Изоҳ:** 1. Тизимга давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотларни киритиш тақиқланади. Давлат ташкилоти томонидан мазкур маълумотлар рейтинг баҳолашга таъсир ўтказди деб ҳисобланса, тегишли индикатор кўрсаткичларини баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг белгиланган рухсатномага эга бўлган ходими томонидан ўша ташкилотга бориб амалга оширилади.

2. Давлат ташкилотлари тегишли устунларга “х” белгисини қўйгандан кейин уни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа материалларни “E-Anticor.uz” электрон платформасига бириктириши лозим. Тегишли маълумотлар бириктирилмаган тақдирда, платформада автоматик равишда энг паст балл қўйилади.

\*Коррупцияга қарши курашиш агентлиги талабига кўра тегишли ҳужжат ёки материаллар қўшимча бириктирилади ва ҳаволалар кўрсатилади.

\*\*Коррупцияга қарши курашиш агентлиги танлов асосида ходимларнинг коррупцияга қарши ички ҳужжатлардан хабардорлиги бўйича замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда суҳбат ўтказиши мумкин.

**Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддатлар
<b>1-босқич</b>	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (Агентлик)	<p>1. Рейтинг баҳолашдан ўтказиладиган давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) рўйхатини тузади.</p> <p>2. Рўйхатга киритилган давлат ташкилотларига “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали тегишли маълумотларни киритиш тўғрисида хат киритади.</p>	Ҳар йили 5 январга қадар
<b>2-босқич</b>	Давлат ташкилотлари	“E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари жадвалини тўлдириш йўли билан маълумот киритиб боради.	Ҳар чоракда (10 апрель, 10 июль ва 10 октябрга қадар)
<b>3-босқич</b>	Агентлик	<p>1. Давлат ташкилотлари томонидан “E-Anticor.uz” электрон платформасига киритилган маълумотларни таҳлил қилиб боради.</p> <p>2. Якуний рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилиши мумкин бўлган давлат органларига тавсиялар киритади, уларга услубий жиҳатдан кўмаклашади.</p>	Мунтазам равишда

<b>4-босқич</b>	Давлат ташкилотлари	“E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали йиллик (олдинги йилнинг 1 январидан баҳоланиш ўтказилаётган йилнинг 1 январига қадар) маълумотларни киритади.	Ҳар йили 10 январдан кечиктирмасдан
<b>5-босқич</b>	Агентлик	Йиллик маълумотлар киритилгандан кейин танлов асосида тегишли давлат ташкилотлари маълумотларининг ҳаққонийлигини ўрганади.	Ҳар йили 1 февралга қадар
<b>6-босқич</b>	Агентлик	Шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи (кейинги ўринларда – Экспертлар гуруҳи)га тақдим этади.	Ҳар йили 5 февралга қадар
<b>7-босқич</b>	Экспертлар гуруҳи	Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ва қуйидагилардан бирини Агентликка тақдим этади: дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хулоса; муқобил рейтинг баҳолаш натижалари.	Ҳар йили 15 февралга қадар
<b>8-босқич</b>	Агентлик  Давлат ташкилотлари	1. Экспертлар гуруҳи хулосаси (ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаси)ни пухта таҳлил қилади ва унга кўра дастлабки рейтингни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида қарор қабул қилади. 2. Ҳар бир давлат ташкилотига унинг рейтинг баҳолаш натижаси ҳақидаги маълумотни юборади. 3. Давлат ташкилотлари ўз рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади, таклиф ва эътирозларини Агентликка юборади. 4. Агентлик давлат ташкилотлари томонидан тақдим	Ҳар йили 20 февралга қадар  Ҳар йили 25 февралга қадар

		этилган таклиф ва эътирозларни пухта таҳлил қилади ва рейтинг баҳолашни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида қарор қабул қилади.	Ҳар йили 1 мартга қадар
<b>9-босқич</b>	Агентлик	Яқуний рейтинг натижаларини Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга киритади ҳамда ўз расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.	Ҳар йили 1 март
<b>10-босқич</b>	Агентлик  Давлат ташкилотлари	1. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарли” деб топилган давлат ташкилотларига самарадорликни янада ошириш бўйича тавсиялар киритади. 2. Агентлик томонидан киритилган тавсиялар ижроси бўйича маълумотларни “E-Anticor.uz” электрон платформасига киритиб боради.	Ҳар йили 15 мартга қадар  Белгиланган муддатларда
<b>11-босқич</b>	Давлат ташкилотлари Агентлик	1. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилган давлат ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади ва уни Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлайди. 2. Тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш чораларини кўради.	Ҳар йили 20 мартга қадар  Белгиланган муддатларда

